



2020 йил “Id” сентябрь № 87-04-263

### Олий таълим муассасалари ректорларига

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 2020 йил 11 январдаги 01/9-14-86-сонли хатига асосан, университет томонидан жорий йилнинг 11-12 март кунлари робототехника соҳасидаги иқтидорли ўқувчилар, талабалар ва ёш педагоглар ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассислари учун “ROBOT-UZ-2020” республика танлови ўтказилишини маълум қиламиз.

Мазкур танлов олий таълим муассасалари талабалари орасида илмий-техник ижодкорликни оммалаштириш, ёшларни муҳандислик масалалари ва иқтидорли ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилятини ривожлантириш мақсадида ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан, мазкур танлов ҳақидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган муассаса ёш олимлари эътиборига етказишингиз сўралади.

Мурожаат учун телефон: 71 227-19-47, 94 656-89-19, Тошкент давлат техника университети

Иловада: 2 бет.

Вазир ўринбосари



 С.Бузрукхонов

## ЭЪЛОН !

### ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ ЁШЛАР, ТАЛАБАЛАР, ЁШ ПЕДАГОГЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН «ROBOT-UZ 2020» РОБОТОТЕХНИКА РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ !

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети 2020 йилнинг 11-12 март кунлари «**ROBOT-UZ 2020**» робототехника соҳасида иқтидорли ўқувчилар ва талабалар, ёш педагог ва олимлар, ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассислари учун Республика танлови ўтказилишини эълон қилади.

Республика танловининг мақсади робототехника соҳасидаги иқтидорли ёшлар орасида илмий-техник ижодкорликни оммалаштириш, муҳандислик касбларининг обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларнинг инновация ва замонавий технологиялар соҳаларига бўлган кизиқишларини рағбатлантириш.

Робототехник ишланмалар яратиш ва соҳани оммалаштириш билан шуғулланувчи ўқувчилар, талабалар, ёш педагог ва тадқиқотчилар, ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассислари танлов иштирокчилари бўлиши мумкин.

Мусобақалар ТошДТУ Бош биносининг Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказида 9-15 ёшдаги ўқувчилар орасида алоҳида ва 16-25 ёшдаги иштирокчилар орасида алоҳида ўтказилади.

«**ROBOT-UZ 2020**» танлови доирасида қуйидаги йўналишларда мусобақалар ўтказилади:

#### 9-15 ёшдаги ўқувчилар орасида

- Робо Футбол
- Робо Сумо
- Кегельринг

Ҳар бир йўналишда учта совринли ўринлар ўйналади. I, II ва III ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

#### 16-25 ёшдаги иштирокчилар орасида

- Фойдали иш бажарувчи роботлар танлови;
- Мобиль роботлар пойгаси;
- Робо Футбол;
- Робо Сумо;

- Интеллектуал даражасини намойиш қилиш.

Ҳар бир йўналишда I, II ва III ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари диплом ва пул мукофоти билан тақдирланади.

Алоҳида эътироф этилган ишланмалар муаллифлари хомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади. Барча иштирокчилар ва уларнинг раҳбарларига сертификатлар берилади.

Танлов шартлари ва бошқа маълумотлар билан университетнинг [www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz) веб-сайти орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2а, “ТошДТУ Ёшлар иттифоқи”, тел. (71) 227-19-47, (94) 656-89-19, +99897 297-40-97

#### Ариза бериш тартиби қуйидагича:

«ROBOT-UZ 2020» танловида қатнашиш учун номзодлар қуйида келтирилган шаклдаги аризани тўлдириб, 2020 йилнинг 1 мартигача [robot\\_2020\\_tdtu@mail.ru](mailto:robot_2020_tdtu@mail.ru) электрон манзилга юборишлари лозим.

#### «ROBOT-UZ 2020»

танловида қатнашиш учун Ариза « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 й.

Ташкилотнинг тўлиқ номи...

Манзил, телефон, электрон манзил...

Қатнашувчи(лар) Ф.И.Ш. (тўлиқ) ва туғилган санаси...

Иштирокчини тайёрлаган педагогнинг ФИИШ (тўлиқ) ва контактлари (телефон, электрон манзили)...

Танловнинг \_\_\_\_\_ йўналишида иштирок этиш учун.

Корхона ёки муассаса раҳбари имзоси \_\_\_\_\_